# I. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2019 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 14873,8 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,3 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 14594,8 млрд. сўмни (103,3 фоиз), овчилик 0,2 млрд. сўмни (100,0 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 229,6 млрд. сўмни (103,2 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 49,2 млрд. сўмни (99,1 фоиз) ташкил қилди.

**2019 йилнинг январь-сентябрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми**

| | *млрд. сўм* | *ўсиш суръати %* |
|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | **14873,8** | **103,3** |
| *шаҳарлар:* | | |
| Қарши | 146,3 | 104,3 |
| Шаҳрисабз | 73,9 | 175,6 |
| *туманлар:* | | |
| Ғузор | 1077,7 | 102,7 |
| Деҳқонобод | 606,5 | 103,6 |
| Қамаши | 1327,0 | 109,2 |
| Қарши | 1195,8 | 101,8 |
| Косон | 1432,3 | 103,1 |
| Китоб | 1392,2 | 105,9 |
| Миришкор | 956,7 | 101,5 |
| Муборак | 739,2 | 101,0 |
| Нишон | 843,9 | 102,3 |
| Касби | 980,1 | 92,2 |
| Чироқчи | 1703,9 | 102,0 |
| Шаҳрисабз | 1111,3 | 105,3 |
| Яккабоғ | 1287,0 | 105,8 |

**2019 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**

*(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*




## ДЕҲҚОНЧИЛИК



2019 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 5881,7 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 106,9 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 40,6 фоизни ташкил қилди.

**Ҳосил йиғими**. 2019 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 386726 тонна сабзавот (104,0 фоиз), 144736 тонна картошка (101,6 фоиз), 163514 тонна озиқбоп полиз (115,4 фоиз), 133314 тонна мева ва резаворлар (100,5 фоиз), 83774 тонна узум (112,9 фоиз) йиғиб олинди. Бундан ташқари 961926 тоннадан ортиқ дон экинлари (126,9 фоиз) ишлаб чиқарилди.

## 2019 йилнинг январь-сентябрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

| | *Фермер хўжаликлари* | | *Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари* | | *Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* | *тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* | *тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* |
| Пахта | 65049 | 47,9 | - | - | 2 | 0,3 |
| Дон | 855663 | 137,7 | 96311 | 75,9 | 9952 | 102,7 |
| Картошка | 26502 | 103,2 | 117916 | 101,1 | 318 | 3,5 м. |
| Сабзавотлар | 82366 | 100,9 | 301026 | 104,6 | 3334 | 128,3 |
| Полиз | 84641 | 130,2 | 77862 | 101,7 | 1011 | 7,7 м. |
| Мевалар ва резаворлар | 69550 | 96,1 | 61656 | 105,6 | 2108 | 111,7 |
| Узум | 44259 | 126,1 | 37218 | 101,1 | 2297 | 101,1 |

## 2019 йилнинг январь - сентябрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

**Сабзавотлар** (*тонна*)




**Мевалар ва резаворлар** *(тонна)*





## ЧОРВАЧИЛИК

Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-кувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2019 йилнинг январь-сентябрида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 8618,3 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 101,0 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 59,4 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 102,3 фоиз (жами 1555,2 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,4 фоиз (512,1 минг бош), қўй ва эчкилар 102,9 фоиз (4575,6 минг бош), отлар 101,9 фоиз 31,6 минг бош), паррандалар 106,7 фоизни (6107,0 минг бошни) ташкил этди.

**2019 йил 1 октябрь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони**

| | *минг бош* | *ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|
| **Йирик шохли қорамол** | **1555,2** | **102,3** |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 59,1 | 99,2 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1471,2 | 102,5 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 24,9 | 100,4 |
| **улардан сигирлар** | **512,1** | **100,4** |

| | *минг бош* | *ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 19,6 | 100,5 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 485,9 | 100,4 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 6,6 | 100,0 |
| **Куй ва эчкилар** | **4575,6** | **102,9** |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 228,6 | 124,6 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 4053,4 | 102,1 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 293,6 | 100,0 |
| **Отлар** | **31,6** | **101,9** |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 2,3 | 105,4 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 28,0 | 101,6 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1,3 | 104,1 |
| **Паррандалар** | **6107,0** | **106,7** |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 300,6 | 123,8 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 3884,1 | 108,0 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1922,3 | 101,9 |

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,6 фоизни, фермер хўжаликларида 3,8 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда 94,9 ва 3,8 фоизни, қўйлар ва эчкилар 88,6 ва 5,0 фоизни, паррандалар 63,6 ва 4,9 фоизни ташкил қилди.

**2019 йил 1 октябрь холатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони**

**Йирик шохли қорамоллар** *(минг бош)*




*шу жумладан:* **сигирлар** *(минг бош)*




**Қўйлар ва эчкилар** *(минг бош)*




**Паррандалар** *(минг бош)*



2019 йилнинг январь-сентябрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 213,9 минг тонна гўшт (2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 100,4 фоиз), 850,3 минг тонна сут (101,4 фоиз), 344186,0 минг дона тухум (105,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.



Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 98,6 фоиз, сут ишлаб чиқаришда 99,5 фоиз, тухум ишлаб чиқаришда 69,3 фоизни ташкил этди.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари**

| | *миқдори* | *ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|
| **Гўшт (тирик вазнда),** ***минг тн.*** | **213,9** | **100,4** |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 3,6 | 108,6 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 207,3 | 100,5 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 3,0 | 86,9 |
| **Сут,** ***минг тн.*** | **850,3** | **101,4** |
| *шу жумладан:* | | |

| | *миқдори* | *ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|
| Фермер хўжаликлари | 18,4 | 116,2 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 827,7 | 101,2 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 4,2 | 100,2 |
| **Тухум, *млн. дона*** | **344,2** | **105,3** |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 18,3 | 110,3 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 220,2 | 101,2 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 105,7 | 113,8 |

**2019 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

**Гўшт** *(минг тонна)*




**Сут** *(минг тонна)*



**Тухум** *(млн. дона)*




**Фермер хўжаликлари**. 2019 йилнинг январь-сентябр ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3644,0 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 108,8 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 25,1 фоизни ташкил этди. Деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 3457,6 млрд сўмни ёки 2018 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 108,8 фоизни, чорвачилик маҳсулотларининг ҳажми 186,4 млрд сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 107,1 фоизни ташкил қилди.

**Ҳосил йиғими**. 2019 йил январь-сентябрь ойларида фермер хўжаликлар томонидан 855663 тонна дон экинлари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (137,7 фоиз), 82366 тонна сабзавот (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (100,9 фоиз), 26502 тонна картошка (103,2 фоиз), 84641 тонна озиқбоп полиз (130,2 фоиз), 69550 тонна мева ва резаворлар (96,1 фоиз), 44259 тонна узум (126,1 фоиз) етиштирилди.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

| | *2018 йил январь-сентябрь* | | *2019 йил январь- сентябрь* | | *2018 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|---|---|
| | *тонна* | *ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз* | *тонна* | *ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз* | |
| Картошка | 25690 | 18,0 | 26502 | 18,3 | 103,2 |
| Сабзавот | 81605 | 21,9 | 82366 | 21,3 | 100,9 |
| Полиз | 65030 | 45,9 | 84641 | 51,8 | 130,2 |
| Мева | 72373 | 54,6 | 69550 | 52,2 | 96,1 |
| Узум | 35091 | 47,3 | 44259 | 52,8 | 126,1 |

**Январь-сентябрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари**



**Чорвачилик**. 2019 йилнинг январь-сентябрида фермер хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 3554 тонна гўшт (2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 108,6 фоиз), 18441 тонна сут (116,2 фоиз), 18321 минг дона тухум (110,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.

**Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари**

| | *2018 йил январь-сентябрь* | | *2019 йил январь-сентябрь* | | *2018 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|---|---|
| | *тонна* | *ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз* | *тонна* | *ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз* | |
| Гўшт | 3273 | 1,5 | 3554 | 1,7 | 108,6 |
| Сут | 15876 | 1,9 | 18441 | 2,2 | 116,2 |
| Тухум, минг дона | 16616 | 5,1 | 18321 | 5,3 | 110,3 |

2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига фермер хўжаликларида 59,1 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 19,6 минг бош сигир, 228,6 минг бош қўй ва эчкилар, 2,2 минг бош от, 300,6 минг бош паррандалар мавжуд.

**2019 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари**

